



O'ZBEKİSTON RESPUBLİKASI  
GİDROMETEOROLOGİYA  
XİZMATI MARKAZI

## B U Y R U Q

2022-yil 18-may 130-T-son

Хотин-қизлар ва эркаклар учун  
тeng ҳуқуқ ҳамда имкониятлар  
кафолатлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида” Конунига мувофиқ ҳамда Гидрометеорология хизмати марказининг 2022 йил 7 апрелдаги 92-Т-сон буйруги ижросини таъминлаш мақсадида, **буюраман:**

1. Гидрометеорология хизмати марказида (кейинги ўринларда - Ўзгидромет) Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича маслаҳат-кенгаши (кейинги ўринларда - Маслаҳат-кенгаши) қўйидагича ташкил этилсин:

1.1. Ўзгидрометнинг Маслаҳат-кенгаши Низоми 1-иловага мувофиқ;  
1.2. Ўзгидрометнинг Маслаҳат-кенгаши таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Маслаҳат-кенгаши:

2.1. Маслаҳат-кенгаши фаолиятини амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда Маслаҳат-кенгаши низомига амал қилган ҳолда самарали ташкил этилишини;

2.2. Ўзгидромет хотин- қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш ва уларни такомиллаштириш бўйича таклифларни ҳамда Маслаҳат-кенгашининг бу борадаги қарорларини кўриб чиқиш учун Ўзгидромет раҳбариятига киритиб борилишини таъминласин.

3. Тизим ташкилотлари ҳамда ҳудудий гидрометеорология бошқарма бошлиқлари:

3.1. Мазкур буйрук асосида **бир хафта муддатда** хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича маслаҳат-кенгашларини ташкил этсинлар ва таркибини тасдиқласинлар;

3.2. Маслаҳат-кенгашлари фаолиятини самарали ташкил этган ҳолда, соҳа фаолиятида олиб бораётган хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш, уларнинг меҳнат ҳукуқларини химоя қилиш, меҳнатларига муносиб ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш ишларини тизимли асосда ташкил этилишини таъминласинлар;

3.3. **Ҳар ярим йилда бир марта**, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-санасига қадар Ўзгидрометга амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида батафсил ахборот тақдим этиб борилишини ташкил этсинлар.

4. Маслаҳат-кенгаши (Мухамедова) Ўзбекистан Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси сўровига асосан, Ўзгидрометда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотларнинг тақдим этиб борилишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ ижроси назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Бош директор



Ш.Ҳабибуллаев

Ўзгидрометнинг  
2022 йил “      ” майдаги  
-сон бўйруғига  
1-илова

**Гидрометеорология хизмати марказининг  
Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хукуқ ҳамда имкониятларни  
таъминлаш масалалари бўйича маслаҳат-кенгаши  
НИЗОМИ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Гидрометеорология хизмати марказининг Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хукуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича маслаҳат-кенгаши (бундан буён матнда Маслаҳат-кенгаши деб юритилади) фаолиятини ташкил этиш мақсадида ишлаб чиқилган.

2. Маслаҳат-кенгаши Гидрометеорология хизмати марказининг (бундан буён матнда - Ўзгидромет деб юритилади) хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хукуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича коллегиал маслаҳат органидир.

3. Маслаҳат-кенгаши ўз фаолиятини Ўзбекистан Республикасининг Конституцияси, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хукуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги, “Хотин-қизларни тазийик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистан Республикаси иштирокчи бўлган гендер тенглик ва оила масалалари бўйича халқаро шартномалар ва бошқа норматив-хукуқий ҳужжатлар ҳамда ушбу Низом асосида амалга оширади.

**II. Маслаҳат-кенгашини ташкил этиш мақсади,  
вазифалари ва ҳукуқлари**

4. Маслаҳат-кенгашини ташкил этишининг асосий мақсади Ўзгидрометда хотин-қизлар ва эркаклар учун гендер тенгликни таъминлаш ҳамда хотин-қизларнинг жинси бўйича бевосита ёки билвосита камситилишини олдини олишдан иборат.

5. Маслаҳат-кенгаши қонунийлик, хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳукуқлилиги, жинси бўйича камситишга йўл қўйилмаслиги, очиқлик ва шаффофлик принциплари асосида фаолият юритади.

6. Маслаҳат-кенгаши Ўзбекистан Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссиясининг устувор йуналишлари ва тавсияларига амал қилган ҳолда қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хукуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш борасидаги давлат дастурлари, миллий ҳаракатлар режалари ва стратегияларни амалга ошириш юзасидан Ўзгидромет раҳбариятига беради;

Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодекси ва бошқа амалдаги норматив-хукуқий ҳужжатларда аёлларга берилган имтиёзларнинг Ўзгидрометда яратилганлик ҳолатини ўрганади ва унинг натижалари бўйича таклифлар тайёрлайди;

ички идоравий ҳужжатларни таҳлил қилиш орқали аниқланган гендер тенгсизликни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади ва Ўзгидромет Юридик бўлимига тақдим этади;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хукуқ ҳамда имкониятлар яратилиши юзасидан фаолият жараёнини мониторинг қилади, баҳолайди ва аниқланган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқади ва Ўзгидромет раҳбариятига тақдим этади;

ишга кириш мақсадида мурожаат қилган номзодлар билан ўтказиладиган сұхбат ёки бошқа жараёнларда, иш берувчи томонидан вазифа ва лавозимларга тайинлашда ҳамда кадрлар захирасини шакллантиришда гендер тенгликни таъминлаш чораларини кўради;

раҳбарлик лавозимларига иқтидорли, талабчан ва масъулиятли аёллар номзодларини тавсия қилинишини таъминлайди;

ходимларни иш жойидаги зўравонликка барҳам беришга қаратилган фаолиятни олиб боради ва бундай ҳолатларнинг олдини олиш чораларини кўради;

давлат мукофотлари ва қўқрак нишонларига тавсия қилиш ҳамда рағбатлантиришда гендер тенгликни таъминлаш бўйича Ўзгидромет раҳбариятига таклифлар киритади;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хукуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича ўқитишни ташкил этиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

бир хил лавозимларда ишлаётган хотин-қизлар ва эркакларга ойлик иш хақи ва унга тенглаштирилган бошқа тўловлар тенг тўланишини мониторинг қилади;

гендер тенгликни таъминлаш маданиятини шакллантириш мақсадида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боради;

бошқа ташкилотлар билан гендер тенгликни таъминлаш бўйича ҳамкорлик қилади;

Ўзгидрометда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хукуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси сўровига асосан тақдим этиб боради.

## 7. Маслаҳат-кенгаши қуйидаги хукуқларга эга:

Ўзгидрометда қабул қилинаётган норматив-хукуқий ва бошқа ички меъёрий ҳужжатларни гендер тенгликни таъминлаш мақсадида хукуқий (гендер-хукуқий) экспертиздан ўтказишда бевосита иштирок этиш;

ходимларнинг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хукуқ ҳамда имкониятларнинг бузилишига доир мурожаатларини кўриб чиқиш;

мехнат жамоасида касбий йўналишда тенг имкониятлар яратиш, хотин-қизларни бепул тиббий кўриқдан ўтказиш юзасидан Ўзгидромет раҳбариятига таклифлар киритиш;

Ўзгидромет таркибий бўлинмаларидан Маслаҳат-кенгаши фаолиятини амалга ошириш учун зарур маълумотларни сўраш ва олиш;

ўз йиғилишларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича Ўзгидромет бўлинмалари раҳбарларининг маъruzаларини эшлиш;

Маслаҳат-кенгаши ваколатига кирувчи масалалар бўйича таклифлар ва тавсиялар тайёрлаш.

Маслаҳат-кенгаши, Ўзгидрометда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш мақсадида, асосий фаолият йўналишлари сифатида қонунда тақиқланмаган бошқа чора-тадбирларни белгилаши ҳамда амалга ошириши мумкин.

### **III. Маслаҳат-кенгаши фаолиятини ташкил этиш**

8. Маслаҳат-кенгаши аъзолари Маслаҳат-кенгаши раиси, Маслаҳат-кенгаши котиби, Ўзгидрометнинг масъул ходимлари ҳамда келишув асосида Узбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги вакилидан иборат бўлган Маслаҳат-кенгаши аъзоларидан таркиб топади.

Маслаҳат-кенгаши аъзолари таркиби Ўзгидромет Бош директори томонидан тасдиқланади.

9. Маслаҳат-кенгаши ўз фаолиятини Маслаҳат-кенгаши йиғилишида тасдиқланган режага мувофиқ амалга оширади.

10. Маслаҳат-кенгаши аъзоларининг йиғилиши Маслаҳат-кенгаши раисининг ташаббуси билан ёки Маслаҳат-кенгаши аъзоларининг камида учдан бир қисмининг таклифига кўра чакирилади. Маслаҳат-кенгаши йиғилиши ҳар чоракда камида бир маротаба ўтказилиши шарт.

Маслаҳат-кенгаши йиғилишини ўтказиш вақти ва кун тартиби тўғрисида Маслаҳат-кенгаши аъзолари ва йиғилишга таклиф этиладиганлар йиғилишдан бир ҳафта олдин Маслаҳат-кенгаши котиби томонидан хабардор қилинади. Маслаҳат-кенгаши аъзолари Маслаҳат-кенгаши мажлисларида шахсан иштирок этади.

Маслаҳат-кенгаши йиғилишига унинг аъзоларидан ташқари, Ўзгидромет масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари, бошқа идораларнинг мутахассис ёки эксперtlари ва бошқалар таклиф қилиниши мумкин.

11. Маслаҳат-кенгаши йиғилишида унинг аъзолари сонининг ярмидан кўпли иштирок этса, Маслаҳат-кенгаши йиғилиши ваколатли ҳисобланади.

12. Маслаҳат-кенгаши раиси:

Маслаҳат-кенгаши фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қиласди;

Маслаҳат-кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қиласди;

Маслаҳат-кенгаши қарорларининг бажарилиши бўйича умумий назоратни амалга оширади;

Маслаҳат-кенгаши томонидан амалга оширилаётган фаолият учун жавобгар хисобланади.

13. Маслаҳат-кенгаши котиби:

Маслаҳат-кенгаши мажлисининг қун тартиби лойиҳасини тайёрлайди;

Маслаҳат-кенгаши аъзолари фаолиятини мувофиқлаштиради;

Маслаҳат-кенгаши йиғилиши баённомасини юритади.

14. Маслаҳат-кенташи йиғилиши баённомасида Маслаҳат-кенгаши йиғилишида кўриб чиқилаётган масалалар тўлиқ баён этилади.

Маслаҳат-кенгаши йиғилиши баённомаси котиб томонидан имзоланиб, Маслаҳат-кенгаши раиси томонидан тасдиқланади.

15. Маслаҳат-кенгаши йиғилишларида кўриб чиқилган масалалар натижаси юзасидан қарор қабул қилинади. Қарорлар оддий кўпчилик овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда Маслаҳат-кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи аҳамиятга эга булади.

Маслаҳат-кенгашининг қарорлари Ўзгидромет раҳбарияти учун кўриб чиқилиши мажбурийдир

.

Ўзгидрометнинг  
2022 йил “      ” майдаги  
      -сон буйруғига  
2-илова

**Гидрометеорология хизмати марказининг  
Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқук ҳамда имкониятларни  
таъминлаш масалалари бўйича маслаҳат-кенгаши таркиби**

- |                       |  |
|-----------------------|--|
| 1. Мухамедова Н.О.    | - Ўзгидромет 1-бўлим етакчи мутахассиси,<br><i>Маслаҳат-кенгаши раиси</i>                              |
| 2. Орипова С.К.       | - Модди-техника таъминоти бошқармаси<br>бошлиқ ўринbosари,<br><i>Маслаҳат-кенгаши раиси ўринbosари</i> |
| 3. Рузаева М.Б.       | - Ахборот-хизмати бўлими 1-тоифали<br>мухандиси  |
| 4. Обидова И.Б.       | - Молия-иктисод бошқармаси Режа-<br>иктисод бўлими бош мутахассиси                                     |
| 5. Самадходжаева Д.Р. | - Кадрлар бўлими 1 тоифали мухандиси   |
| 6. Исҳакова Д.А.      | - Мурожаатлар билан ишлаш ва ижро<br>бўлими етакчи мухандиси, <i>Кенгаши котиби</i>                    |

**Изоҳ:** *Маслаҳат-кенгаши аъзатари бошқа ишга ўтганда, унинг таркибига ушибу лавозимларга яңеидан тайинланган шахслар ёки зими масига тегишили функцияларни бажарини юкланган шахслар киритилади.*